



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 7 - Iyul

24 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Рўзметов Каримбой  
Ахмедовичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Кулонқорабоғ” маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзметов Каримбой Ахмедовичнинг “Кулонқорабоғ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 14 ноябрдаги ХО-Р-3198-сонли аризасини, “Кулонқорабоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 10 ноябрдаги 3920-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Кулонқорабоғ” маҳалласида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 98,7 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 146,66 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 245,36 квадрат метр, қурилиш ости майдони 368,65 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1469,15 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 169,15 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рўзметов Каримбой Ахмедовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рўзметов Каримбой Ахмедовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида

янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 169,15 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рўзметов Каримбой Ахмедовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**